

## **ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Куденов Темураббек Махсетбаевич*

*ўқитувчи, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

Талабалар томонидан фаол ижодий ностандарт равишда билим олишга ўргатиш, ақлий фаолиятга уйиштириш, ташкил этиш усуллари, воситалари, ҳамда талаба томонидан шуғулланиш технологияси, ишлаш иштиёқи, мотиви, майли, қизиқиши, ҳиссий интилишини амалга ошириш юзасидан мутафаккирларимизнинг қомусий фикрлари қарашлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагича ифодаланган.

Олимлар математик тафаккур ривожланишига катта эътибор қаратадилар ва унинг остида нафақат алгоритмлаштирилган ҳаракатларни такрорлашни, балки таклиф этилган вазиятни - математизациялаш, унинг таҳлили, математик модель яратиш, зарур исботлар, умумлаштириш, аналогиялар ва хулосалар билан ечиш йўллари ишлаб чиқишнинг ностандарт талқиндаги амалий вазифаларини ечишни тушунадилар [88].

Тест топшириқлари асосида фундаментал математик ғоялар ётади (ўзгариш ва ўсиш, фазо ва шакл, ноаниқлик, миқдорий мулоҳазалар), уларда фазовий интеллект математик интеллектнинг муҳим ташкил этувчиларидан бири сифатида қаралади.

60110600- Математика ва информатика бакалавр таълим йўналишининг малака талабларида таълимни ахборотлаштириш шароитида олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил билиш фаолиятини такомиллаштиришга оид масалалар келтириб ўтилган.

Жумладан, математика ва табиий-илмий фанлар блокада қуйидагилар келтирилган:

- муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини асосларини таъминлаши;

- ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

- ўқитишнинг илмийлиги ва кўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларинининг мультимедия имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

- замонавий ахборот технологиялари муҳотида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқитишни индивидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириш;

- ўқитишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида, ахборот коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантиқий кетма-кетликда қўллаш қобилиятини таркиб топтириш [16].

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, таълимни ахборотлаштириш шароитида олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг мустақил билиш фаолиятини такомиллаштириш муаммоси ижтимоий зарурат эканлигини кўришимиз мумкин.

Мустақил билиш фаолияти – бу ўқув муассасаларидан ташқарида эгалланадиган таълимот, у ўз хоҳиши бўйича ишлаш давомида амалга оширилади. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида мустақил билиш фаолиятини такомиллаштиришда ажратилган ўқув соатларининг 40 % гача мустақил соатлар ажратилган.

“Мустақил билиш фаолияти – ўқитувчи ёрдамсиз мактабдан ташқари жараёнда билимларни эгаллаш», дея таърифланган. Мустақил билиш фаолияти, мустақил шуғулланиш каби иборалар қўлланилади. Буюк мутафаккирлар ушбу ибораларни қандай ифодалядилар: Муҳаммад ал-Хоразмий – мустақил билиш фаолияти, мутоала қилиш жараёни деб таъкидлайди. Чунки ўқитувчи яъни домла йўналтиради, талаба ўзи мустақил мутоала асосида ўзида билим, тасавур ва тушунчаларни шакллантиради. Китоб орқали нарса ва ходисалар тўғрисида фикр

янада ойдинлашади. Мустақил ўзлаштиришга ундовчи иродавий сифатлар тўғрисида ўз фикрини ифодалайди.

Алломалар яратган асарлардаги илмий, ижтимоий, ахлоқий, маърифий фикрлари ўзининг умумбашарийлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Таълим узлуксиз равишда математика фанидан мантиқий тафаккурни ривожлантиришни талаб қиладиган, муаммоли хусусиятдаги топшириқ ва масалалар тизимидан иборатдир. Ҳар бир маъруза, семинар машғулот, мустақил топшириқлар, хатто лаборатория ишлари ҳам муаммоли фазиятли ҳолларнинг таркибий қисмларидан тузилган бўлади. Уларни ҳал қилиш (ечиш, бажариш) мантиқий фикрлашни вужудга келтиради. Чунки муаммоли ҳолатгача бўлган давр муаммоли вазият, муаммоли вазиятдан кейинги ақлий жараёнлар эса талабадан мантиқий қидирув, тадқиқот фаолиятини тақозо этади.

### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарори/ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда, 37-сон, 982модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида» 464-І-сон қонуни. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва

малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 312-модда; 2016 й., 48-сон, 548-модда; 2017 й., 24-сон, 490-модда, 37-сон, 981-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон қарори /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.